

# Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги SU13762042 ШАРТНОМА № 03

«17» январь 2022 йил.

Уйчи тумани Хожиобод МФЙ

«уйчи туман Ободонлаштириш бошқармаси» нинг қуйида «Истеъмолчи» деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Аҳадулла Раҳматулла Асадулла ўғли шахслигида бир томондан, иккинчи томондан «Тўрақўрғон нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти Уйчи филиалининг қуйида «Етказиб берувчи» деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Д.Разақов шахслигида, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи», «Истеъмолчи»га нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келдирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларининг тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма		
Автобензин АИ-80													
Автобензин АИ-92													
Дизель ёнилғиси		11400	13474800	1182									
Учок-ёқилғиси													
<b>ЖАМИ:</b>		<b>11400</b>	<b>13474800</b>	<b>1182</b>									

1.2. «Истеъмолчи» маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси ўн уч миллион тўрт юз етмиш тўрт минг саккиз юз сўмни ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйидагилар барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи»га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2. «Истеъмолчи»да нефть маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефть омбори ҳамда нефть маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефть маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот «Етказиб берувчи»нинг омборидан «Истеъмолчи»нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Истеъмолчи»нинг махсус автотранспорт воситасида нефть маҳсулотларини ташиш «Хавфли юкларни ташиш қоидалари»га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси «Етказиб берувчи» нефть омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Истеъмолчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг омборида «Истеъмолчи»нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита «Истеъмолчи» вакилининг хошишига кўра «Етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»га тегишли бўлган ёнилғи таркатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун «Истеъмолчи»нинг ишночномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи таркатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома «Истеъмолчи»нинг вакили томонидан ёнилғи таркатиш шахобчасига такдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида таркатиш варақаси юритади. «Истеъмолчи» вакилига берилган маҳсулот миқдори таркатиш варақасига киритиб борилади. Таркатиш варақасида «Истеъмолчи»нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги «Нефт, газ конденцати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма»га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик «Истеъмолчи» зиммасига, маҳсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефть база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## 3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефть маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан қамида 5 кун олдин 100% миқдорда «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотларини «Истеъмолчи»га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шакланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шакланган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини «Етказиб берувчи» таъминотдан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефть маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.



**YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№-SU13762042**

**1. loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:**

Neft mahsulotlari etkazib berish to'g'risida shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:**

Uychi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 17 yanvar kuni  
ishlab chiqilgan va mazkur dasturga kiritilgan.

**Hujjatni qonuniyligini o'rganishga asoslar:**

-Mahsulot etkazib berish to'g'risida O'zbekiston Respublikasi FKning 364,366, 437-438, 440-442, 446, 449-moddalari,

-O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi "Davlat haridlari to'g'risida"gi 684-sonli qonuni,

-O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 27.09.2018 yildagi 3953-sonli qarori,

-Yuridik shahsni davlat ro'yhatidan o'tkazish guvohnomasi va litsenziya)

**Xulosa:** shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti :



Sh.Dadaboyev

2022 yil «18» yanvar

Махсулот номи	Улчов бирлиги	Баҳоси 01.01.22	ва суммаси (сум хисобидан)	Шу жумладан чорақлар буйича																			
				I-Чорақ			II-Чорақ			III-Чорақ			IV-Чорақ										
				Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр									
Авто бензин	кг		0			0																	
Дизел ёнгилги	кг	11400	4491600	4491600	4491600	4491600	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
<b>Жами сумма</b>			<b>13474800</b>	<b>4491600</b>	<b>4491600</b>	<b>4491600</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
Авто бензин	кг		0																				
Дизел ёнгилги	кг	11400	1182	394	394	394																	
<b>Жами микдор</b>			<b>1182</b>	<b>394</b>	<b>394</b>	<b>394</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>

Д. Разаков  
И. Рахимов  
Р. Хусанов



«Истеъмолчи»

А. Раҳмагулла